

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛАДИ”

“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
муздри, и.ф.д., проф. Холбеков Р.О.

«_____» _____ 2012 йил

**“Тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг
бухгалтерия ҳисоби” мавзуси бўйича ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ
ЭТИЛАДИ”

Илмий
рахбар _____

кат. ўқ. Э.Т.Шодиев

“ _____ ” _____ 2012 й.

БАЖАРДИ: “Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит” таълим
йўналиши битирувчи курс
талабаси

Хайруллаев Анвар
Бахтиёрович

“ _____ ” _____ 2012 й

ТОШКЕНТ – 2012

Мундарижа:

Кириш.....	3
I-Боб. Тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари.....	8
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкларнинг муддатли депозит операцияларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари	8
1.2. Тижорат банкларида муддатли депозит операцияларини ташкил қилиш	15
1.3. Тижорат банкларида муддатли депозитлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг услубий асослари	20
II-боб. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича операцияларни расмийлаштириш ва ҳисобга олишнинг ҳозирги ҳолати	26
2.1. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича операцияларни дастлабки ҳисоби.....	26
2.2. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида жисмоний шахслардан маблағларни муддатли омонатга қабул қилиш ва бериш, уларни ҳисобга олиш тартиби	35
2.3. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича омонатларни нақд пулсиз шаклда кирим ва чиқим қилиш операциялари ҳисоби.....	44
III-Боб. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича ҳисобот тузиш тартиби ва назорати.....	50
3.1. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиали омонат кассаларида амалиёт кунини якунлаш ва кунлик ҳисобот тузиш тартиби.....	50
3.2. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозит операцияларнинг сўнгги назорати.....	55
Хулоса ва таклифлар.....	60
Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати	62
Иловалар.....	68

Кириш

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Тижорат банклари, бошқа хўжалик субъектлари каби ўзининг хўжалик ва тижорат фаолиятини таъминлаш учун маълум миқдорда пул маблағларига, яъни ресурсларига эга бўлишлари лозим. Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий талабларида банк ресурсларини ташкил этиш муаммоси банк фаолиятини бир маромда олиб бориш учун биринчи даражали ҳисобланади. Буни шундай изоҳлаш мумкин, яъни иқтисодиётнинг бозор моделига ўтиши билан банк ишида давлат монополияси тугатилади, икки босқичли банк тизимини шаклланишида банк ресурслари характери ижобий томонга ўзгаради.

Ундан ташқари, унинг актив операциялари объекти орқали аниқланадиган банк фаолиятининг кўлами, улар жойлаштирадиган ресурслар ҳажми, миқдори, жалб қилинган маблағлар суммасига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолат ресурсларни жалб қилиш бўйича банклар ўртасида рақобатни келтириб чиқаради.

Банкнинг асосий вазифаларидан бири бўш пул маблағларини мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш ва уларни бошқа фойда келтирувчи оптимал активларга жойлаштиришдан иборат.

Банк ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган пассив операциялари орқали ташкил топади ва банк балансининг пассив қисмида юритилади. Банк ресурсларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Булар, банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардир. Жалб қилинган ресурсларни баъзи ҳолларда иккига бўлиб қаралади – бу жалб қилинган депозитлар, бошқа мажбуриятлар ва сотиб олинган ресурслардир. Бу ресурслар банкнинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади, яъни банк ресурслари даромад олиш мақсадида турли хил соҳаларга жойлаштирилади. Банкнинг пассив ва актив операциялари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли пассивларнинг таркиби ва характери кўп жихатдан банкларнинг актив операцияларини амалга оширишда ўз

ифодасини топади. Шу билан бирга ресурслар характериға банкларнинг кредитлаш сиёсатининг ўзгариши ҳам таъсир килади.

Банк ресурсларининг асосий қисмини банк мижозларининг маблағлари ташкил килади. Банк бошқа капиталларни жалб қилиш учун банк ўз капиталининг етарли даражаси миқдорини кўрсатиш лозим.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек:...” аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу маънода, 2011-йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир.”¹

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ва аниқ ташкил қилинишига боғлиқдир. Буларнинг барчаси мазкур битирув малакавий иш мавзусининг ҳақиқатда долзарблиги ва аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Битирув малакавий иш мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш борасида иқтисодчи олимлардан: Ф.Т. Абдуваҳидов, З.А.Умаров, К.Н. Жўраев, С.А.Атаманенко, К.В.Балдин, А.И.Гинзбург, С.Л.Горобец, А. Ю.Грибков, Л.Ф.Жилинская, Т.А.Жилинская, Н.Жўраев, А.В. Зонова, Д.А.Ендовицкий, Н.А.Каморджанова, Г.Ю. Касьянов, И.В.Карташова, Т.П.Карпова, Н.П.Кондраков, Е.С.Кузнецов, М.И.Кутер, М.Ю.Медведев, Г.И. Просветов, В.Ф.Палий, В.Е. Соболева, Е.С.Соколова, Л.В.Рой, Л.П.Фомичева, А.Б.Тепляков, В.П.Третьяк, С.Ш.Юлдашев ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Таъкидланган масалалар тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини иқтисодиётни глобаллашуви талабларидан

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -36 б.

келиб чиққан ҳолда илмий-жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Чунки аксарият олимларнинг илмий ишлари марказлашган режали иқтисодиёт талаблари асосида бажарилган.

Олимлар ўртасида ушбу масалаларни ечимини топиш борасида турлича фикрларнинг мавжудлиги муаммолари тўлиқ ҳал этилмаганлигини кўрсатади. Уларнинг илмий-амалий ишларининг муаммолари, ҳозирги кундаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларидан келиб чиқиб тўлиқ акс эттирилмаган. Лекин ушбу ишлар ўз даврида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этган, аммо иқтисодиётни глобаллашуви шароитида уларнинг илмий, амалий аҳамияти пасайган.

Битирув малакавий иш мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларида тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобининг назарий ва услубий масалаларини ўрганиш асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни ечиш лозим бўлади:

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкларнинг депозит операцияларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари моҳиятини ўрганиш;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида муддатли депозит операцияларини ташкил қилиш тартибини тадқиқ этиш;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг услубий асослари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича операцияларни дастлабки ҳисобини ўрганиш;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида жисмоний шахслардан маблағларни муддатли омонатга қабул қилиш ва бериш, уларни ҳисобга олиш тартибини тадқиқ этиш;

- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида омонатчи жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақлари бўйича омонатларни нақд пулсиз шаклда кирим ва чиқим қилиш операциялари ҳисобини ўрганиш;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиали омонат кассаларида амалиёт кунини яқунлаш ва кунлик ҳисобот тузиш тартибини тадқиқ этиш;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиали омонат кассаларда кунлик амалга оширилган операцияларнинг сўнгги назорати юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иш предмети бўлиб ТИФ миллий банки Олмазор филиалининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотлари ҳисобланади.

Битирув малакавий иш объекти бўлиб, ТИФ миллий банки Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби ҳисобланади.

Битирув малакавий иш назарий ва услубий асослари сифатида ТИФ миллий банки Олмазор филиали фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, Президент И.А.Каримовнинг республикаимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва бозор муносабатлари талаблари асосида ривожлантиришга бағишланган фармонлари, асарлари ва кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубиёти бошқармаси томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришга бағишланган илмий ишлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкларнинг депозит операцияларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари моҳиятини ўрганилди;

- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида муддатли депозит операцияларини ташкил қилиш тартибини тадқиқ этилди;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг услубий асослари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича операцияларни дастлабки ҳисобини ўрганилди;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида жисмоний шахслардан маблағларни муддатли омонатга қабул қилиш ва бериш, уларни ҳисобга олиш тартибини тадқиқ этилди;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиалида омонатчи жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақлари бўйича омонатларни нақд пулсиз шаклда кирим ва чиқим қилиш операциялари ҳисобини ўрганилди;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиали омонат кассаларида амалиёт кунини якунлаш ва кунлик ҳисобот тузиш тартибини тадқиқ этилди;
- ТИФ миллий банки Олмазор филиали омонат кассаларда кунлик амалга оширилган операцияларнинг сўнгги назорати юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Битирув малакавий иш натижасида олинган таклиф ва тавсиялардан Тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби услубий асосларини ишлаб чиқишда, шунингдек уларнинг меёрий асослари ҳамда йўриқномаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг таркиби. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловлардан иборат.

**I-Боб. Тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг
бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари**

**1.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банкларнинг муддатли
депозит операцияларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари**

Бугунги кунда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада таъсирчан тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонида мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги 1-сонли мажлис баёни талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилинишида ҳамда омонатдаги маблағларни уларнинг биринчи талабига кўра берилишида қонун бузилишига йўл қўймаслик, омонатчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва банкларнинг мазкур фаолиятлари устидан назоратнинг янада кучайтирилганлиги ҳам аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада жадаллаштирди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш

пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди;

- Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Бундай таъсирчан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятининг кенгайиб бориши ўз навбатида улар томонидан берилаётган кредитлар, банклардаги депозитлар ва умумий капитал ҳажмига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2005-2009 йиллар мобайнида тижорат банклари кредитлари ҳажми 2,2 марта, депозитлари ҳажми 5,2 марта, умумий капитали 3,2 марта ошган.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Банк тизимининг мустаҳкамланиши ва унга нисбатан аҳоли ишончининг ортиши натижасида омонатлар ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошди



1-расм. Банклардаги аҳоли омонатларининг ўсиш динамикаси²

Расмдан кўринадики, 2003-2010 йиллар мобайнида аҳоли даромадлари ҳажми 16 баробардан кўпроқ ошган.

Кейинги йилларда банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгариб бормоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилган.

Банклар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилиб келинаётган бир қатор чора-тадбирлар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда.

² “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича” Ўқув-услубий мажмуа. Тузувчилар: Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

Президентимиз «Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор», деб таъкидлаб ўтган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 августдаги 147-сонли қарори талабларини ижро этиш борасида банк тизими томонидан амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошишига олиб келди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонида мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

Айниқса бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, банк тизимида аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, 2010 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминалларнинг умумий сони 60631 тани,

пластик карточкалар умумий сони 6058,9 мингтани, шундан ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги карточкалар сони 3546,7 мингтани ташкил қилди. Корпоратив карточкалар сони 11,3 мингтани ташкил қилди. Пластик карточкалар ҳисобварақларига 3846 млрд. сўмлик маблағлар ўтказилди.

Ўз навбатида, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар ҳажмини йилдан-йилга юқори суръатларда ошириб бориш кўзда тутилган.

Шунга кўра амалдаги барча тегишли меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан, Марказий банкнинг нақд пул муомаласига тааллуқли бўлган йўриқномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Нақд пул муомаласида мавжуд бўлган барча чекловлар бекор қилиниши эса нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бирхиллаштириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди.

**1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг
депозитлари ва умумий капитали, млрд. сўм³**

Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010
Депозитлар	1688,7	2544,5	3829,2	5771,6	8703,1
Шу жумладан:					
- юридик шахслар депозитлари	1239,2	1866,2	2834,6	4127,6	5953,2
- жисмоний шахслар депозитлари	449,5	678,3	994,6	1644,0	2749,9
Умумий капитал	930,9	1070,1	1502,6	2104,3	3010,4

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан банк тизимида пластик карточкалар миқдорини ошириш ва аҳолини пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларини амалга оширишни рағбатлантириш борасида бир қанча имтиёзлар берилмоқда. Шулардан бири бу пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган процессинг марказлари ва банкоматларни

³ “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича” Ўқув-услубий мажмуа. Тузувчилар: Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

келтириш ҳамда уларни ўрнатиш борасида божхона тўловларидан 2020 йилга кадар озод қилиш чора-тадбирлари белгилангандир.

Монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита дастакларидан кенг фойдаланган ҳолда пул таклифи ўсишининг асосий манбаи бўлган олтин-валюта захираларининг ошиши ҳисобига муомалага чиқарилган пул массаси ҳажмини бошқариш чораларини кўриб борди.

Марказий банк томонидан пул-кредит соҳасида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда пул агрегатлари белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида, яъни пул массасининг ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига мувофиқлиги таъминланди.

Монетар сиёсат борасида амалга оширилган чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди, инфляция даражаси эса прогноз кўрсаткичдан ошмади ва 7,4 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонида мувофиқ фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг янада мустаҳкамланишига ва пировард натижада жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Халқаро банклар тажрибасини ўрганган ҳолда «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар киритилиб борилди. Банкларнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг ликвидлигини тартибга солиш мақсадида 2008 йилнинг 1 декабридан бошлаб тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралар фондига ўтказмалари бўйича меъёр миллий ва хорижий валютада жалб қилинган депозитлар учун бир хил, яъни 15 фоиз қилиб белгиланди.

Шунингдек, мажбурий захираларга депонентланадиган маблағларни ҳисоблаш методологияси ҳам такомиллаштирилиб борилди.

2009 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди.

Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Нархлар ўзгаришининг амалдаги ва кутилаётган даражасини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилда қайта молиялаштириш ставкаси 14 фоиз даражасида ушлаб турилганлиги банклараро бозордаги фоиз ставкаларнинг барқарор бўлишини таъминламоқда. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан ҳамда инфляциянинг амалдаги ва кутилаётган даражасидан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмади. Бу ҳолат республика банклар тизими барқарорлигидан далолат беради.

1.2. Тижорат банкларида муддатли депозит операцияларини ташкил қилиш

Депозит операцияларнинг субъектлари бўлиб бир томондан тижорат банклари қатнашса, иккинчи томондан:

- давлат корхона ва ташкилотлари;
- молия, суғурта, инвестицион ва траст компаниялар;
- хусусий корхона ва ташкилотлар;
- акционер компаниялар;
- банклар ва бошқа кредит муассасалари;
- қўшма корхоналар, кооперативлар;
- жамоа ташкилотлари ва фондлар;
- алоҳида жисмоний шахслар ёки уларнинг бирлашмалари қатнашадилар.

Курсов В.Н. фикрига кўра: Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банкга жалб қилиш билан боғлиқ операциялар депозит операциялари дейилади. Депозит операциялари ёрдамида тижорат бойликларининг 90 фоиздан ортиқ пассивлари ташкил қилиниши мумкин. Депозит операцияларини тижорат банклари ўзларининг депозит сиёсатлари асосида олиб борадилар. Тижорат банкининг депозит сиёсати унинг кредит сиёсати, фоиз сиёсати ва бошқа фаолият турлари билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Депозит операцияларини амалга оширишда бу операция турининг объект ва субъектини аниқлаш лозим.⁴

Депозит операцияларининг объекти бўлиб эҳтиёждан ортиқча пул маблағлари (қўйилмалар) ҳисобланади. Депозит операцияларини ташкил қилишнинг асоси бўлиб, баланс ликвидлиги, мижозларнинг молиявий аҳволининг барқарорлиги ҳисобланади. Депозит операциялари тижорат

⁴ Курсов В.Н. Бухгалтерский учет в коммерческом банке. -Москва.: 2008, стр. 209

банкларининг депозит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади, яъни:

- депозит операциялари банк даромадининг ошишга ёки келажакда даромад олишга шароит яратиши керак;
- банк балансининг ликвидлилигини сақлаш мақсадида депозит сиёсатини амалга ошириш керак;
- депозит операцияларини амалга оширишда муддатли қўйилмаларга эътибор қаратиш лозим;
- депозитларни жалб қилиш ва уларни вақтида қайтариб бериш билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш чораларини кўриш зарур ва бошқалар.

Пул қўювчилар тоифасидан келиб чиққан ҳолда депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- юридик шахслар (корхоналар, ташкилотлар) қўйилмалари;
- жисмоний шахслар қўйилмалари;

Маблағларни олиш шаклига кўра депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- муддатли депозит маблағлар;
- талаб қилиб олингунга қадар депозит маблағлар;
- аҳолининг жамғарма қўйилмалари.

Ўз навбатида бу гуруҳларнинг ҳар бири турли белгиларига қараб таснифланади. Муддатли депозит маблағлар уларнинг муддатидан келиб чиқиб;

- 3 ой муддатгача депозитлар;
- 3 ойдан 6 ойгача депозитлар;
- 6 ойдан 9 ойгача депозитлар;
- 9 ойдан 12 ойгача депозитлар;
- 12 ойдан юқори бўлган депозит маблағларига таснифланади.

Биз 2 бўлимда банк депозитларининг турларини кенг кўриб чиққанлигимиз боис бу параграфда депозитларнинг кўпайиш жараёнига эътибор қаратмоқчимиз.

Л. В.Усатова, М. С Сероштан, Е. В.Арскаяларнинг фикрларига кўра: Банклар орасидаги ресурсларни жалб қилиш учун рақобатли курашда муҳим восита бўлиб турлича фоиз сиёсати ҳисобланади, чунки қўйилган маблағларга даромад олиш мижозларнинг қўйилма қўйишга ундовчи муҳим омил ҳисобланади. Депозит фоиз ставкалари даражасини ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси марказий банки ҳисоб ставкаси, пул бозори ҳолати ва ўзининг депозит сиёсатидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгилайди. Депозит счетларининг алоҳида кўринишлари бўйича даромад ҳажми қўйилма муддати, суммаси, ҳисобварағини амал қилиш хусусияти, хизматлар ҳажми ва характери, ва ниҳоят мижознинг қўйилма шартномаси шартларига амал қилишига боғлиқ.⁵

Талаб қилингунгача бўлган депозитлар бўйича ҳисобварақалари эгалари томонидан жорий операцияларни амалга ошириш учун ишлатилади ва улар қолдиқнинг номунтазамлиги билан характерланади. Шунинг учун бундай счетлар гуруҳи даромадлиқ даражаси билан ажралиб туради. Юридик шахсларга очилган талаб қилингунгача ҳисобварақаларидаги маблағлар қолдиғи бўйича фоизлар умуман тўланмаслиги мумкин. Бундай фойда, одатда, мижозларни ҳисоб касса хизматлари учун тўлов маблағларини талаб қилингунгача ҳисобварақаларда маблағларни минималлаштириш ва ортиқча суммаларни қўйилмаларнинг даромадлироқ шаклларига жойлаштиришга ундайди.

Жисмоний шахслар учун очилган талаб қилингунгача варақалар бўйича фоизлар деярли мажбурий тартибда ўрнатилади, аммо у бўйича даромад ҳамиша муддатли қўйилмаларга қараганда пастроқ бўлади.

Муддатли қўйилмалар бўйича фоиз ставкаси ҳажмини ўрнатишдаги муҳим омил бўлиб, маблағлар жойлаштирилган муддат ҳисобланади.

Марказий банк эмиссия маркази сифатида макроиктисодий даражадаги пул айланиши ҳамда банк тизимининг ликвидлилиги нуқтаи назаридан

⁵ Усатова Л. В., Сероштан М. С, Арская Е. В. Бухгалтерский учет в коммерческих банках: Учеб. пособ. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: «Дашков и К°», 2007. — 404 с.

тижорат банкларининг улар томонидан жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш имкониятларини доимий равишда тартибга солиб туради.

Назарий жиҳатдан замонавий банк тизимида нақд пулсиз айланишларнинг ривожланиши натижасида дастлабки шакллантирилган депозитларни (дастлабки ёки реал депозитлар Марказий банк томонидан чиқарилган нақд пуллар асосида шаклланганликни тақозо қилади) чекланмаган тарзда бир банкдан иккинчи банкка ўтказиш, шу билан бирга эса, тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларни чексиз ошириш имконияти мавжуд. Хорижий назарияда бу жараён депозит мультипликацияси (яъни маблағларнинг бир банкдан бошқасига занжирсимон шаклда ўтказилиши) ва кредит экспанцияси деб ном олган.

Шундай қилиб тижорат банкларининг кредит салоҳиятига:

- банкка жалб қилинган маблағларнинг умумий миқдори;
- Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий заҳира даражаси;
- жорий ликвидлиликни сақлаш мақсадида ташкил қилинган заҳира ва ундан фойдаланиш тартиби;
- кредит салоҳияти манбаларининг таркиби ва барқарорлиги;
- банк мажбуриятларининг таркиби ва умумий миқдори каби омиллар таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг нодепозит операциялари деб, тижорат банкларининг йирик пул бозорларидан пул маблағларини жалб қилиш, қимматли қоғозлар, векселларни, облигациялар воситасини муомалага қўйиш йўли билан маблағларни жалб қилиш соҳасидаги операцияларига айтилади.

Жаҳон банки амалиётида тижорат банкларига маблағларни жалб қилишнинг кенг тарқалган нодепозит шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- банклараро бозордан қарз олиш;
- қимматли қоғозларни қайтиб сотиб олиш шарти билан сотиш;
- банк акцептларини сотиш;
- тижорат қоғозларини чиқариш;

- евро-долларлар бозоридан қарз олиш;
- капитал ноталар ва облигациялар чиқариш ва бошқалар.

F.T.Abduvaxidov, Z.A.Umarov., K.N.Djurayevларнинг таъкидлашларича: Одатда тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришда ресурсларнинг нодепозит манбаларидан ҳам фойдаланишга катта эътибор берилади. Улар бозорда рақобатчилик асосида воситачилар (брокерлар) орқали сотиб олинади. Бу ерда, биринчидан, маблағларни сотиб олиш ғояси банкнинг ўзига тегишли, иккинчидан, бу ғоя банкнинг бирор-бир мижози билан боғлиқ эмас. Нодепозит манбалардан асосан молиявий марказларда жойлашган ҳамда молия бозори механизмидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йирик банклар кенг фойдаланадилар. Нодепозит маблағлар йирик миқдорда сотиб олинади.⁶

Қўйилмаларга маблағларни жалб қилиш учун тижорат банклари қўшимча равишда чет эл тажрибасидан фойдаланиши мумкин, хусусан:

- аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича турли дастурларни ишлаб чиқиш;
- мижозлар — пул қўювчиларга турли-туман, жумладан, нобанк хизматларни ҳам кўрсатиш;
- қўйилма муддати тугаши билан мукофот бериш билан инвестицион характердаги қўйилмалардан юқори фоиз ставкасини қўллаш;
- доимий пул қўювчиларга “банкка садоқати” учун мукофот тўлаш;
- мижоз ва банк иқтисодий қизиқишларини оптималлаштирадиган аралаш характерда амал қилувчи НАУ ва САПС типигаги ҳисобварақларни қўллашни амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги Фармонида асосан тижорат банклари аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб қилишни оширишга қараб банклар даромади

⁶ Abdvaxidov F.T., Umarov Z.A., Djurayev K.N. Banklarda buxgalteriya hisobi.O`quv qo`llanma.-T.:2010, 224 bet.

имтиёзли солиққа тортилиш ва фоиз миқдорларини ошириш мумкинлиги таъкидланган.

1.3. Тижорат банкларида муддатли депозитлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг услубий асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”, “Фукароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968-сон “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида, “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси”, “Ўзбекистон республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тижорат банклари депозит операцияларни ташкил қилади.

И.А.Муругуванинг таъкидлашича: тижорат банкларида депозит операцияларини амалга оширишда қуйидаги асосий тушунчалар амал қилади:⁷

Депозит — талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз қисман ёки ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси;

Банк филиалларида мижозлар билан бажариладиган омонат операцияларининг қонун ҳужжатларига ва банк ички сиёсатига мувофиқлигини назорат қилиш учун омонат бўлинмаси ташкил этилиши шарт.

⁷ Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. Учебный пособие. –Т.: ТФИ, 2004. -36 стр

Омонат бўлинмаси — банк ёки унинг филиали биносида ёхуд ундан ташқарида жойлашган омонат кассаси ва мини-банкларда бажариладиган омонат операцияларининг қонун ҳужжатларига ва банк ички сиёсатига мувофиқлигини назорат қилиш учун масъул бўлинма.

Омонат бўлинмаси, Фронт-офис ва Бэк-офис таркибий тузилма сифатида фаолият кўрсатаётган банкларда «Мижозларга чакана банк хизматлари кўрсатувчи бўлим», бошқа ҳолларда банкда омонат операцияларини назорат қилиш бўйича алоҳида бўлинма (бошқарма, бўлим, шўъба) сифатида ташкил этилиши мумкин. Сўнгги назоратчи омонат бўлинмаси таркибида фаолият юритиши лозим.

Сўнгги назоратчи — омонат кассаларининг кунлик бажарилган омонат операциялари бўйича сўнгги назоратни амалга оширувчи ходим.

Омонат операциялари — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда банкнинг омонатчилар билан тузган банк омонати шартномаси шартлари асосида уларнинг пул маблағларини муайян муддатга жалб этиш, сақлаш, қайтариш, фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш ҳамда омонатчи топшириғига асосан омонатдаги пул маблағларини бошқа ҳисобварақларга ўтказишга доир операциялар

Банк омонати шартномаси омонатчилар ва банк ўртасида ёзма шаклда тузилади. Банк ва омонатчилар ўртасида банк омонати шартномаси, омонат суммаси банк кассасига қабул қилинган ёки омонат ҳисобварағига тегишли маблағ нақд пулсиз келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Омонатчи — банк билан тузилган банк омонати шартномасида ёки банк омонат сиёсатида назарда тутилган шартлар асосида банк билан келишилган ҳолда банкка маълум пул маблағини ўзи ёки унинг номига келган пул маблағини омонатга қўювчи резидент ёки норезидент шахс.

Агар омонатга қўйилганлиги омонат дафтарчаси, омонат сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилган, қонунга мувофиқ белгиланган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида бундай ҳужжатлар учун назарда тутилган талабларга жавоб

берадиган бошқа ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

К.Г. Парфёновнинг фикрига кўра: Муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс — ўз номига ва бошқа шахс номига омонат қўйиши, ўзининг банк омонат ҳисобварағидаги маблағини ўзи ёки вакили орқали мустақил тасарруф этиши, шунингдек, бошқа шахслар омонат маблағларини тасарруф этиш учун вакил бўлиши мумкин.⁸

Фуқаро омонатчи бўлган банк омонати шартномаси оммавий шартнома деб ҳисобланади.

Омонатчи томонидан қўйиладиган омонатнинг энг кам ва энг кўп миқдори ҳар бир банк томонидан қонун ҳужжатларига асосан мустақил равишда белгиланади.

Банк қабул қилиб олган омонатларнинг қайтарилишини таъминлаш учун фойдаланиши шарт бўлган воситалар ва усуллар қонун ҳужжатлари ва банк омонати шартномаси билан белгиланади.

Банк омонатчининг талабига мувофиқ омонатнинг қайтарилиши таъминланганлиги тўғрисида ахборот бериши шарт.

Банк омонатнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаган, шунингдек таъминотни йўқотган ёки унинг шартларини ёмонлаштирган тақдирда, омонатчи банкдан омонат суммасини дарҳол қайтариб беришни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасига мувофиқ унга фоизлар тўлашни ҳамда ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Банк омонати шартномаси бўйича шартлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги ва омонат операцияларни бажаришда қийинчилик ва чалкашликлар келтириб чиқармаслиги керак.

⁸ Парфёнов К.Г. Банковский учет (бухгалтерский учет и операционная техника в коммерческих банках кредитных организациях): изд. 4-е, перераб. и допол. -М.: ООО "Парфенов.ру", 2004. - 178 с

Банклар томонидан омонатчиларнинг ҳисобварақлари кредитига бошқа ҳисобварақлардан келиб тушган маблағларни киритиб қўйиш учун ҳақ олишлари тақиқланади.

Агар банкнинг банк операцияларини бажариш ҳуқуқини берувчи лицензияси Марказий банк томонидан чакириб олинган тақдирда фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида амалга оширилади.

Омонатчилар ёки уларнинг қонуний вакиллари топшириғига биноан банкнинг омонат ҳисобварағида турган пул маблағлари билан банк операциялари бўйича амалга оширилган хизматлар учун банк томонидан воситачилик ҳақи ундирилиши мумкин.

Омонатчи банкдаги омонатини банк омонати шартномаси ва бошқа қонун ҳужжатлари доирасида эркин тасарруф этади, шунингдек ўз омонати бўйича фоиз, ютуқ ёки бошқа шаклдаги даромадларни олиш ҳуқуқига эга.

Омонатчи биринчи талаби бўйича банкдаги омонатини тўлиқ ёки қисман қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно.

Банкларда омонат кассаларини ташкил этиш ва уларнинг инкассация қилинишига бўлган талаблар «Тижорат банкларида касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома»да, омонат ҳисобварақларидан маблағларни мижознинг топшириғига кўра бошқа ҳисобварақларга ўтказиш «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Омонатлар қуйидаги турларга бўлинади:

Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар;

Жамғарма омонатлар;

Муддатли омонатлар;

Омонат сертификатлари;

Банклар юқорида қайд этилган омонат турларидан ташқари қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, бошқа омонатларни қабул қилишлари мумкин.

Банклар омонатлар тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга амал қилган ҳолда сир сақланишини таъминлашлари лозим.

Омонатчиларнинг талаб қилиниши биланок бериладиган омонатлар талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлардир. Банк пластик карталаридаги маблағлар талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар ҳисобланиб, уларнинг ҳаракати алоҳида қонун ҳужжатларига мувофик тартибга солинади.

Банк билан юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ҳамда деҳқон хўжаликларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағи бўйича вужудга келадиган муносабатлар банк ҳисобварағи шартномаси билан тартибга солинади.

Банк омонати шартномасида белгиланган муайян мақсадга йўналтириладиган ёки бошқа шартлар асосида жалб қилинган омонатлар жамғарма омонатлар ҳисобланади.

В.Р. Банкнинг фикрига кўра: Банк омонати шартномасида белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш шarti билан жалб қилинган омонатлар муддатли омонатлар ҳисобланади.

Муддатли омонатлар бўйича банк билан омонатчи ўртасида муддатли банк омонати шартномаси тузилиши ва омонатчи шартнома тузилганидан сўнг, муддатли банк омонати шартномасида кўрсатилган омонат суммасини қўйиши шарт. Қўшимча маблағлар киритиш тартиби муддатли банк омонати шартномасида белгиланиши лозим.

Агар омонатчи муддатли омонатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим.

Муддатли омонатлар қуйидаги муддатлар бўйича таснифланади:

муддати 30 кунгача бўлган омонатлар;

муддати 90 кунгача бўлган омонатлар;

муддати 180 кунгача бўлган омонатлар;

муддати 365 кунгача бўлган омонатлар;

муддати 365 кундан ортиқ бўлган омонатлар.

Омонатчи муддатли омонат суммасини муддат тугаганидан кейин муддатли банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган ҳолларда, агар муддатли банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

Юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ҳамда деҳқон хўжаликларининг муддатли омонатларига маблағлар уларнинг асосий ҳисобварағидан ўтказилади ва омонат муддати тугагач ёки муддатли банк омонати шартномаси бекор қилинган ҳолларда муддатли омонатидаги маблағлар уларнинг асосий ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Муддатли омонатлар ҳисоби «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»га (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) мувофиқ «20600 — Муддатли депозитлар» ҳисобварақларида юритилади.

Банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз омонат сертификати ҳисобланади.

Омонат сертификатлари бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда чиқарилади.

**II-боб. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли
депозитлар бўйича операцияларни расмийлаштириш ва ҳисобга
олишнинг ҳозирги ҳолати**

**2.1. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозитлар
бўйича операцияларни дастлабки ҳисоби**

ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича операцияларни дастлабки ҳисобини ташкил қилишда асосан қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

К.Наврўзованинг фикрига кўра: Омонат кассаларда омонат операцияларини бажаришда қуйидаги ҳужжатлар юритилади:⁹

- 1) Шахсий ҳисобварақ варақчаси;
- 2) Кириш ордери;
- 3) Сўнгги назоратга хабарнома;
- 4) Тасдиқнома;
- 5) Чиқим ордери;
- 6) «Аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағларини берилишида омонатчиларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтари»;
- 7) «Нақд пулсиз шаклда қабул қилинадиган омонатлар бўйича тузиладиган шартномаларни рўйхатга олиш дафтари»;
- 8) Нақд пулсиз кириш ордери;
- 9) Нақд пулсиз чиқим ордери;
- 10) «Йўқолган омонат дафтарчалари бўйича аризаларни рўйхатга олиш дафтари»;
- 11) Операцион кундалик;
- 12) Операцион кундаликка илова;
- 13) Ишлатилган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобдан чиқариш ордери;

⁹ Наврўзова К. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.: - 2005 й.

14) «Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари»;

15) «Омонат кассасини қўриқлаш хизматига топшириш ва қабул қилиш дафтари».

Омонат дафтарчаси банк томонидан омонат бўйича бажарилган операцияларни омонатчига ёзма равишда тасдиқловчи ва омонат бўйича олинган мажбуриятларни кафолатловчи ҳужжат ҳисобланади.

Омонат дафтарчаси муқовасига банкнинг тўлиқ номи ва логотипи (фирма белгиси), ички томони биринчи бетида банк ва унинг тегишли филиалининг номи, жойлашган манзили, омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, шахсий ҳисобварақ рақами (20 та белгили), валюта тури, омонат тури, банк масъул ходими имзоси, омонат кассаси муҳри ва филиал ёки банк муҳри ўрни учун сарлавҳа билан чизиқли жой кўрсатилиши лозим.

Омонат кассаси — банк филиали жойлашган ҳудудда банк номидан омонат операцияларини бажариш учун банк филиали биноси ёки унинг ташқарисида банк амалиёт кунига уланган ҳолда ташкил қилинган операцион касса

Омонат дафтарчасининг иккинчи ва кейинги варақларига омонат ҳаракатини қайд этувчи жадвал шакли туширилиши, унда «Сана» (йил, кун, ой) «Кирим», «Чиқим» «Қолдиқ», «Фоизлар» ва «Назоратчи ва кассир имзолари» устунлари бўлиши шарт.

Омонат дафтарчасининг иккинчи варағидан бошлаб ҳар бир варақнинг охирида «омонат дафтарчаси ёпилган/омонат қолдиғи янги «___» серия «___» рақамли омонат дафтарчасига ўтказилди» деган ёзув ҳамда назоратчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, имзоси ва сана учун чизиқли жой кўрсатилиши лозим.

Назоратчи — омонат кассаларида бажариладиган операциялар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, кассанинг кунлик операция ҳисоботларини тайёрлаш билан шуғулланадиган ҳамда кассадаги нақд пул ва бошқа

қимматликларнинг тўғри ишлатилишини ва кассир фаолиятини назорат қиладиган масъул жавобгар ходим

Омонатнинг асосий шартларини ифодаловчи ёзувлар матни омонат дафтарчаси муқовасининг ички томонларига киритилиши ёки унга илова варағи сифатида жойлаштирилиши мумкин.

А.И.Мерцалованинг таъкидлашича: Агар омонатнинг бошқа ҳолати исбот қилинган бўлмаса, омонат тўғрисида омонат дафтарчасида кўрсатилган маълумотлар банк билан омонатчи ўртасида омонат бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлади.¹⁰

Нақд пулсиз шаклда келиб тушган омонат тўлиқ олинганда ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳолда омонатни тўлиқ олиш истаги билдирилганда омонат дафтарчаси расмийлаштирилмайди.

Омонат дафтарчаси варақлари ёзувлар билан тўлганда ёки яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқолганда омонатчининг аризасига мувофиқ унга янги омонат дафтарчаси (омонат тўлиқ олинган ҳоллар бундан мустасно) берилади.

Омонат ёпилган тақдирда, омонат дафтарчасини банк қайтариб олиши шарт. Омонат кассаларида омонатчилар омонат дафтарчаларини сақлашга қолдириши тақиқланади.

Омонат дафтарчасида бажарилган операциялар бўйича қайд этилган ёзувлар назоратчи ва кассир имзоси билан тасдиқланиши лозим. Омонатчи томонидан омонат дафтарчасига бирон-бир ёзув киритилиши тақиқланади.

Кассир — омонат кассаларга нақд пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиш ва чиқим қилиш билан шуғулланувчи ҳамда кассадаги нақд пул ва бошқа қимматликлар қолдиғини ҳисоботлар бўйича тўғрилигига масъул жавобгар ходим.

Банкларда тўлдирилмаган янги омонат дафтарчалари қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисобланади ва пул омборхонасида «Тижорат банкларида

¹⁰ Мерцалова А.И. Учет операционная деятельность в кредитных организациях: кассовые, расчетные, депозитные и кредитные операции: учебное пособ.- М.:КНОРУС, 2009.- 356 с.

касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома»да белгиланган тартибда сақланади.

Дастурий таъминотга эга бўлган банкларда ҳужжатлар (дафтарлар бундан мустасно) компьютер дастурида шакллантирилиб, қоғозга чиқарилиши мумкин.

Дафтарлар намунага мувофиқ бўлиши, қаттиқ муқова билан қопланган ва рақамланган, тикилган, варақлар сони ва дафтарни юритиш санаси кўрсатилган ҳолда банк филиали раҳбари, бош бухгалтери ва омонат бўлинмаси бошлиғининг имзолари ва филиал муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ҳужжатларда ёзувлар тушунарли, тўғри ва аниқ кўринадиган ҳолда ёзилиши лозим. Ёзувларда ҳеч қандай қисқартиришларга йўл қўйилмайди, Операцион кундаликда омонатчининг исми ва отасининг исми бундан мустасно. Масалан: «қабул қилинди» деган сўзлар ўрнига «қаб. қил-ди» деган сўзлар, «Берилди» деган сўз ўрнига «Берди» деган сўз каби.

Омонатлар бўйича юритиладиган ҳужжатларни (ордерлар бундан мустасно) расмийлаштиришда йўл қўйилган нотўғри ёзув уни ўқиш имконини берадиган даражада ўчирилиши ва ўчирилган нотўғри ёзув устидан (Шахсий ҳисобварақ варақчасида бўш жойида ёзилади) тўғри маълумотлар ёзилиши ва ёзувга тузатиш киритган ходим тузатиш санасини кўрсатиб, уни имзолаши лозим.

Ордерларда ҳеч қандай тузатиш, тозалаш, ўчиришга йўл қўйилмайди. Ордерларда бирор-бир тузатиш мавжуд бўлса, улар бўйича операцияларни амалга ошириш тақиқланади.

Омонат дафтарчасида йўл қўйилган нотўғри ёзув устидан чизилади ва амалга ошириладиган операция кейинги бўш сатрда ёзилиши лозим. Тузатиш ҳақидаги ёзув назоратчи томонидан имзоланади ва омонат кассаси муҳри билан тасдиқланади.

Барча қўлда ёзиладиган ҳужжатларга ёзувлар фақат кўк ёки қора рангли, сиёҳли ёки шарикли ручкада амалга оширилади.

Хужжатларда (Шахсий ҳисобварақ варақчаси бундан мустасно) санани кўрсатишда ой номи сўз билан ёзилиши шарт.

Омонатчилар томонидан тўлдириладиган хужжатларда омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исмини тузатишга рухсат этилмайди.

Кассир ёки назоратчи томонидан омонатлар бўйича Кириш ва Чиқим ордерларини тўлдириш тақиқланади.

Банкларда жисмоний шахслар омонатларининг ҳисобини юритувчи шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқнома асосида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг омонатларининг ҳисобини юритиш учун «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»да белгиланган ҳисобварақларда 20 та белгили шахсий ҳисобварақлар очилади.

Мижозлар шахсий ҳисобварағи структураси қуйидаги кўрсаткичлардан таркиб топади.

CCCCC VVV K SSSSSSSS NNN

бунда

CCCCC- бош китоб баланс ҳисобварағи

VVV - валюта коди

K - назорат калити

SSSSSSSS- мижознинг БДМАБдаги рўйхат номери (мижоз хосрақами)

NNN- шу баланс ҳисобварағи бўйича мижознинг шахсий ҳисобварақ тартиб номери

Масалан:

20206000412345678001.

Жисмоний шахсларга шахсий ҳисобварақлар омонат қабул қилингандан сўнг, банкнинг омонат кассасида назоратчи томонидан очилади. Шахсий ҳисобварақлар ҳар бир омонатга алоҳида очилади. Икки ёки ундан ортиқ шахсларга битта шахсий ҳисобварақ очилишига йўл қўйилмайди.

Шахсий ҳисобварақлар ҳар бир омонат бўйича қатъий кетма-кетликда изчил равишда рақамланади. Бир хил рақамлашга йўл қўйилмайди. Агар битта рақам билан иккита шахсий ҳисобварақ очилган бўлса, улардан бири омонатчи омонат кассага келганда ёпилиши лозим.

Шахсий ҳисобварақлар омонат ва унга ҳисобланган фоизлар тўлиқ тўлангандан ёки омонатчининг келмаганлиги сабабли омонат бошқа ҳисобвараққа (ҳаракатсиз ҳисобвараққа) ўтказилгандан кейин ёпилади. Ёпилган шахсий ҳисобварақлар рақамлари қайта тикланмайди ва бошқа шахсий ҳисобварақларни рақамлашда фойдаланилмайди.

Шахсий ҳисобварақ рақами омонат дафтарчаси, Шахсий ҳисобварақ варақчаси, Сўнгги назоратга хабарнома, Кириш ордери, Чикиш ордери, Нақд пулсиз кириш ордери ва Нақд пулсиз чикиш ордерида кўрсатилиши шарт.

Шахсий ҳисобварақлар омонат дафтарчаси берилмасдан очилиши мумкин. Бунда, банк омонати шартномасида ва омонатчи томонидан шахсий ҳисобварақ очиш учун ёзилган аризада «омонат дафтарчаси расмийлаштириш билан» ёки «омонат дафтарчаси расмийлаштирмасдан» шартлари кўрсатилиши лозим.

Ҳар бир омонатга очилган шахсий ҳисобварақлар учун Шахсий ҳисобварақ варақчалари тузилади.

Шахсий ҳисобварақ варақчасининг «Белгилар учун» сатрида омонат шартлари қайд этилади.

Шахсий ҳисобварақ варақчасининг «Белгилар учун» сатрида қилинган қайдлар барча ҳолларда сана кўрсатилиб, назоратчининг имзоси билан тасдиқланиши шарт.

Шахсий ҳисобварақ варақчасида омонатчи томонидан тақдим этилган шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақида маълумотлар ёзиш тақиқланади.

Шахсий ҳисобварақ варақчалари аввал омонат турлари («талаб қилиб олингунча сақланадиган», «муддатли», «жамғарма») бўйича, сўнгга ҳар бир омонат тури ва унга ўрнатилган тартиб рақами асосида ўсиб бориш тартибида картотекага жойлаштирилади.

Шахсий ҳисобварақ варақчаси тўлганда, янги қўшимча Шахсий ҳисобварақ варақчаси тузилади ва тўлган Шахсий ҳисобварақ варақчасидаги зарур маълумотлар, омонат қолдиғи ва фоизлари янги қўшимча Шахсий ҳисобварақ варақчасига ўтказилади. Тўлган Шахсий ҳисобварақ варақчасида назоратчи янги варақчанинг тартиб рақамини кўрсатади ва имзо қўяди.

Янги Шахсий ҳисобварақ варақчасида омонатчининг имзо намунаси учун жой чизиб қўйилади. Назоратчи очилган янги қўшимча Шахсий ҳисобварақ варақчасини имзолайди.

Шахсий ҳисобварақлар бўйича барча очилган янги қўшимча Шахсий ҳисобварақ варақчаларининг юқори ўнг бурчагига Шахсий ҳисобварақ варақчасининг тартиб рақами қўйилади.

Картотекада янги қўшимча Шахсий ҳисобварақ варақчаси билан биргаликда бошланғич маблағ топширилганда очилган биринчи Шахсий ҳисобварақ варақчаси ҳам сақланади.

Шахсий ҳисобварақ бўйича бир неча Шахсий ҳисобварақ варақчаси тўлган бўлса, амалдаги картотекада фақат жорий йил учун Шахсий ҳисобварақ варақчаси ва биринчи Шахсий ҳисобварақ варақчаси сақланади.

Биринчи Шахсий ҳисобварақ варақчасидан ташқари бошқа тўлган Шахсий ҳисобварақ варақчалари шахсий ҳисобварақ ёпилгунга қадар омонат бўлинмасида жорий йилда ёпилган Шахсий ҳисобварақ варақчаларидан алоҳида картотекада сақланади.

Йил якунланиб, йиллик ҳисоботлар тузилгандан сўнг ёпилган Шахсий ҳисобварақ варақчалари бўйича тартиб рақами, шахсий ҳисобварақ рақами, омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган рўйхат тузилиб, унга барча ёпилган Шахсий ҳисобварақ варақчаларини илова қилган ҳолда омонат бўлинмасига топширилади.

Омонат бўлинмаси томонидан барча омонат кассалар бўйича ёпилган Шахсий ҳисобварақ варақчалар бўйича уч нусхада умумлаштирилган рўйхат тузилади ва банк филиали раҳбари, бош бухгалтер ва омонат бўлинмаси бошлиғи томонидан имзоланади.

Рўйхатнинг биринчи нусхаси омонат бўлинмасида қолади, иккинчи нусхаси омонат кассасига қайтарилади, учинчи нусхаси эса ёпилган Шахсий ҳисобварақ варақчалари билан сақлаш учун банк филиали архивига берилади.

Банкнинг бошқа филиалидан Шахсий ҳисобварақ варақчалари қабул қилиб олинганда, филиал томонидан янги шахсий ҳисобварақ очилади. Янги шахсий ҳисобвараққа омонат суммасини киритиш фақат омонатчи келганда амалга оширилади.

Омонат бўлинмаси бошлиғи ва сўнгги назоратчи филиалнинг ҳар бир омонат кассаси бўйича «ҳаракатсиз омонатлар» мақомига мос бўлган шахсий ҳисобварақларни саралаб чиқади ва уларнинг рўйхати тузилади.

Омонат бўлинмаси ҳаракатсиз омонатларнинг ҳар бир омонат кассаси ва ҳар бир омонат тури бўйича умумий суммасига мемориал ордерни тузади ва уни рўйхатга бириктиради. Ҳаракатсиз омонатлар бўйича шахсий ҳисобварақлардаги қолдиқ суммалар «29842-ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағида очилган мос Шахсий ҳисобвараққа ўтказилади.

3.Умаровнинг таъкидлашича: Ҳаракатсиз омонатлар — талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича 3 йил давомида, жамғарма ва муддатли омонатларнинг муддати тугагандан кейин 3 йил давомида фоизлар ҳисобланишдан ташқари ҳеч қандай операциялар амалга оширилмаган омонатлар ҳисобланади.¹¹

Ҳаракатсиз омонатлар бўйича шахсий ҳисобварақ варақчалари банк филиали ёки унинг қошидаги марказий омонат кассасида алоҳида картотекада сақланади.

Дастурий таъминотга эга бўлган банкларда ҳаракатсиз омонатлар бўйича Шахсий ҳисобварақ варақчалари ҳар бир омонат кассасининг ўзида алоҳида картотекада сақланади ва ушбу ҳисобварақлар бўйича операциялар

¹¹ Умаров З. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. –Т.: “Бозор, пул, кредит”. 2005.

бажарилмаслиги учун омонат бўлинмаси томонидан омонатчи келгунга қадар дастурда тақиқ қўйилади.

Омонат бўлинмасида ҳаракатсиз омонатларнинг ҳар бир турига алоҳида шахсий ҳисобварақ варақчаси расмийлаштирилади. Шахсий ҳисобварақ варақчасида омонат кассаси рақами, сана, ҳаракатсиз омонат номи, шахсий ҳисобварақ рақами ва ҳаракатсиз омонатни расмийлаштирган назоратчи имзоси кўрсатилади.

Омонат бўлинмасида ҳаракатсиз омонатларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида йиғмажилд юритилади. Йиғмажилд ичига омонат кассаларидан берилган ҳаракатсиз омонатлар рўйхати омонат кассаларининг рақами ўсиб бориш тартибида тикилади.

Ҳаракатсиз омонатлар «29842 — Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағида омонатчи келгунга қадар сақланади. Ҳаракатсиз шахсий ҳисобварақлар бўйича фоизлар (улар бўйича ўзгаришларни ҳисобга олиб), омонатчи келган пайтда ҳаракатсиз омонатнинг шахсий ҳисобварақда сақланган муддати учун ҳисобланади.

Омонат бўлинмаси йиллик ҳисоботида «ҳаракатсиз омонатлар» мақоми берилган шахсий ҳисобварақлар тўғрисида маълумотлар берилиши лозим.

Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақлардаги омонатларини суд органлари ажримига, тергов ва суриштирув органлари ҳамда суд ижрочиларининг қарорларига асосан хатлаш мумкин.

Келиб тушган ажрим ёки қарорнинг тўғрилиги (ёзилган санаси, масъул шахслар имзолари ва бошқа реквизитларнинг мавжудлиги ва тегишли органларнинг муҳри аниқ туширилганлиги) банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери томонидан текширилиб, ажрим ёки қарорда кўрсатилган омонатни хатлаш ҳақида омонат қўйилган омонат кассасига ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда дарҳол кўрсатма жўнатилади.

Назоратчи кўрсатмани олгандан сўнг, дарҳол ўз имзоси билан шахсий ҳисобварақ варақчасида охириги операциялар ёзувидан кейин ва сўнгги

назоратга хабарномада қайси ҳужжатга асосан омонат хатланганлиги тўғрисида ёзув киритади.

Омонатни хатлаш бекор қилинганда, банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери хатлаш бекор қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатни текшириб (ёзилган санаси, масъул шахслар имзолари ва бошқа реквизитларнинг мавжудлиги ва тегишли органларнинг муҳри аниқ туширилганлиги), ўз имзолари билан тасдиқлайдилар. Хатлаш бекор қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси дарҳол шахсий ҳисобварақ очилган омонат кассасига жўнатилади.

Назоратчи омонатни хатлаш бекор қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхасини олгач, шу куннинг ўзида Шахсий ҳисобварақ варақчасига ва сўнгги назоратга хабарномага хатлаш бекор қилинганлиги ҳақида ёзув киритади ва хатлаш бекор қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхасини ва сўнгги назоратга хабарномани кунлик ҳисобот таркибида банк филиалига жўнатади.

2.2. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида жисмоний шахслардан маблағларни муддатли омонатга қабул қилиш ва бериш, уларни ҳисобга олиш тартиби

Омонатчидан бошланғич маблағни қабул қилишдан олдин, назоратчи омонатчини омонат шартлари билан таништириши шарт.

Омонатчи омонат шартларига рози бўлган тақдирда, банк омонати шартномасини имзолаб, кирим ордери ва сўнгги назоратга хабарномани тўлдиради ва назоратчига тақдим қилади.

Назоратчи кирим ордери ва сўнгги назоратга хабарнома тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, омонатчидан омонатни қабул қилиш учун кирим ордерини кассирга беради.

Кассир омонат суммасини санаб олади ва кирим ордерида кўрсатилган сумма билан солиштиради ҳамда суммалар мос келганда кирим ордерини имзолаб назоратчига қайтаради.

Назоратчи кирим ордери асосида омонат бўйича компьютер дастурига бошланғич қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини киритади.

Назоратчи омонатчига шахсий ҳисобварақ очади ва шахсий ҳисобварақ варақчасига омонатчининг шахсий ҳисобварақ рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ва унинг манзилини ёзади.

Омонатчи шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига ўз имзосини қўяди. Ушбу имзо омонатчининг имзо намунаси бўлиб ҳисобланади.

Назоратчи омонатчининг имзо намунасини омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги имзо билан солиштириши шарт.

Назоратчи омонат суммаси қўйилганлигини тасдиқловчи банк омонати шартномасини ва омонат дафтарчасини расмийлаштиради.

Банк омонати шартномаси назоратчи томонидан икки нусхада бир хил рақамланади ва унда омонатчига бериладиган омонат дафтарчаси рақами кўрсатилади.

Банк омонати шартномасига омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўз қўли билан ёзилиши ва имзоланиши лозим.

Назоратчи омонат суммаси кирим қилинганлигини тасдиқловчи тасдиқномани компьютер дастурида шакллантириб қоғозга чиқаради. тасдиқнома ва омонат дафтарчасини имзолаш учун кирим ордери билан бирга кассирга беради.

Бунда қуйидаги бухгалтерия проводкаси келтирилади:

Дебет 10101- Айланма кассадаги нақд пуллар, 10111- Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар

Кредит 20606- Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари

Кассир кирим ордеридаги суммани омонат дафтарчаси ва тасдиқномадаги сумма билан солиштиради ҳамда омонат дафтарчаси ва тасдиқномани имзолаб назоратчига қайтаради.

Назоратчи банк омонати шартномасининг бир нусхасини, омонат дафтарчаси ва тасдиқномани омонатчига беради.

Агар омонатчи вояга етмаган бўлса, шахсий ҳисобварақ варақчасининг «туғилган йили» сатрида омонатчининг туғилган йили, куни ва ойи тўлиқ кўрсатилади. Ушбу маълумотлар сўнгги назоратга хабарномага ҳам ёзилади.

Е.П.Козлова, Е.Н.Николаеваларнинг фикрларига кўра: Бошланғич маблағ омонатчининг вакилидан қабул қилинган ҳолларда, шахсий ҳисобварақ варақчасининг биринчи (бўш) устунида ва кирим ордерида (чап томонида) «омонатни қўйган шахс имзоси» сатри олдида ва сўнгги назоратга хабарномага «омонатни киритди» деб ёзилади ва вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади.¹²

Бошланғич маблағ омонатчининг вакилидан қабул қилинган ҳолларда, омонатчи омонат кассасига келганда сўнгги назоратга хабарномани тўлдиради ва шахсий ҳисобварақ варақчасига имзосини қўяди.

Назоратчи сўнгги назоратга хабарномадаги омонатчининг имзосини омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги имзо билан солиштиради, санани қўяди ва имзолайди.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс номига қўйилган омонат бўйича Шахсий ҳисобварақ варақчаси ва сўнгги назоратга хабарномага назоратчи «Омонатни ота-она рухсати билан бошқариш», «Омонатни фарзандликка олувчилар рухсати билан бошқариш» ёки «Омонатни васий рухсати билан бошқариш» деган ёзувни киритади ва имзолайди. Бунда, Шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига ва сўнгги назоратга хабарномага омонатчи фақат ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин имзо қўяди.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс номига қўйилган омонат бўйича омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси сўнгги назоратга хабарномага ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг туғилган йили, ойи ва куни, омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси

¹² Козлова Е.П., Николаева Е.Н. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика. 2003. -172 с

ёки васийси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини ёзиб, имзолайди ҳамда Шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига имзо қўяди.

Назоратчи томонидан ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийсининг имзоси уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги имзо билан таққосланади ҳамда тақдим этилган ҳужжатларга асосан ҳақиқатдан ҳам омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси эканлиги текширилади.

Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилишда омонатчи назоратчига омонат дафтарчасини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиши шарт.

Қўшимча маблағлар қабул қилишда назоратчи картотекадан шахсий ҳисобварақ варақчасидаги омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ҳамда унинг имзосини, омонат қолдиғини омонат дафтарчасидаги ва Кирим ордеридаги маълумотлар билан солиштиради.

Омонат дафтарчаси ва шахсий ҳисобварақ варақчасидаги омонат қолдиғи бўйича фарқ бўлган ҳолларда (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича омонат кириш қилинган суммадаги фарқдан ташқари) бу ҳақда назоратчи омонат бўлинмаси бошлиғига хабар беради. Омонат бўйича навбатдаги операция фарқ сабаблари аниқланиб, бартараф этилгандан кейин амалга оширилади.

Омонатчи ўз омонатини тўлиқ ёки қисман қайтариб олиш учун чиқим ордерини тўлдириб, омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно) ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга назоратчига тақдим қилади.

Назоратчи омонатни беришда қуйидагиларни амалга оширади:

-шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида омонатчининг шахси ва омонат дафтарчаси унга тегишли эканлигини аниқлайди;

-шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва омонат дафтарчасидаги маълумотларни ва шахсий ҳисобварақ варақчасидаги маълумотлар билан солиштиради;

-чиқим ордери тўғри тўлдирилганлигини текширади ва ундаги имзони шахсий ҳисобварақ варақчасидаги имзо намунаси билан солиштиради;

-шахсий ҳисобварақ варақчасига ва чиқим ордерига операция санаси, берилган сумма, операциядан кейин омонат қолдиғи, ҳисобланган фоизлар суммаси ва операциядан кейин фоизлар қолдиғини киритади ва имзолайди;

-омонат дафтарчасига операция бўйича амалга оширилган санани кўрсатади, берилган суммани рақам билан, омонат қолдиғини рақам ва сўз билан ёзади;

-омонат дафтарчаси, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва чиқим ордерини кассирга беради.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат — Ўзбекистон фуқаросининг миллий паспорти, 16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно), хорижий фуқароларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фуқаролар тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Кассир омонатни беришда қуйидагиларни амалга оширади:

-назоратчидан қабул қилинган ҳужжатлар бўйича бериладиган суммани тайёрлайди;

-чиқим ордерининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва омонат дафтарчасига киритилган операция бўйича ёзувлар тўғрилигини текширади ва уларни имзолайди;

-омонатчини таклиф этади ва пул, омонат дафтарчаси (омонат қисман олинганда) ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни қайтариб беради.

Омонат суммаси шахсий ҳисобвараққа нақд пулсиз келиб тушганда ва омонатчи омонатни тўлиқ оладиган бўлса, омонатчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумотларини Чиқим ордерининг орқа томонига ёзади ва имзолайди.

Назоратчи зарур ҳолларда омонат суммасини олувчидан чиқим ордерининг орқа томонига такроран имзо қўйишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Банк кассасидан нақд пул кўринишида омонат қайтарилса қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади:

Дебет 20606- Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари

Кредит 10101- Айланма кассадаги нақд пуллар, 10111- Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар

Омонат кассаларида омонатчиларнинг омонатларини ўз вақтида берилишини таъминлаш мақсадида «Аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағларини берилишида омонатчиларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтари» юритилади.

Омонатчи омонатини ишончли вакили орқали тасарруф этиши мумкин. Бунда омонатчи вакилига белгиланган тартибда ишончнома расмийлаштириши шарт.

Ф.Т.Абдуваҳидовнинг фикрига кўра: Ишончнома уч йил муддатгача берилади. Агар ишончномада амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда ишончнома берилган кундан бошлаб бир йил давомида ўз кучини сақлайди.¹³

¹³ Абдуваҳидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Ўқув қўлланма. 2006, 160 бет

Ишончнома бўйича омонатни беришда назоратчи ишончнома тўғри расмийлаштирилганлигини, амал қилиш муддати тугамаганлигини ва омонатчининг ишончномадаги имзосини шахсий ҳисобварақ варақчасидаги имзо намунаси билан солиштиради.

Назоратчи ишончли вакилдан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини талаб этади ва чиқим ордеридаги имзо намунасини тақдим этилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги имзоси билан солиштиради.

Ишончли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари Чиқим ордерининг орқа томонига ва сўнгги назоратга хабарномага ёзилади.

Омонат кассасига ишончнома асл нусхаси тақдим этилади ва назоратчи томонидан ишончномадан икки (ишончнома бир марталик омонат операцияси бўйича берилганда бир нусха) нусха олинади. Ишончноманинг биринчи нусхаси (ишончнома бир марталик омонат операцияси бўйича берилганда асл нусхаси) кунлик ҳисобот таркибида сўнгги назорат учун омонат бўлинмасига берилади ва картотекада сақланади. Ишончноманинг иккинчи нусхаси ишончнома берган омонатчининг шахсий ҳисобварақ варақчасига тикилади ва омонат кассасида қолади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати тугагач (ишончнома бекор қилинган), омонат кассасида сақланаётган ишончноманинг нусхаси картотекадан олиниб, белгиланган тартибда архивга топшириш учун омонат бўлинмасига берилади.

Омонатчи ишончномани исталган вақтда бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ишончнома бекор бўлганлиги ҳақида омонатчи (унинг ҳуқуқий ворислари) омонатдан фойдаланиш учун ишончнома берилган омонат бўйича шахсий ҳисобварақ очилган банк ёки унинг филиалига ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Ишончнома бекор бўлган ва бу ҳақда омонатчи (унинг ҳуқуқий ворислари) томонидан ўз вақтида банкка ёки унинг филиалига ёзма равишда хабар берилмаган ҳолларда, ишончнома бўйича берилган омонат учун банк жавобгар ҳисобланмайди.

Омонатчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатни олиш учун омонат кассасига омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно), шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ариза тақдим этади ҳамда аризага банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери рухсат имзоларини қўйгандан сўнг, «29842 — Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағидан маблағлар берилади.

Омонатчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатнинг бир қисmini олганда, белгиланган тартибда янги шахсий ҳисобварақ очилади ва ҳаракатсиз омонат қолдиғи барча тегишли фоиизлари билан янги очилган шахсий ҳисобвараққа ўтказилади ва омонатнинг бир қисми янги шахсий ҳисобварақдан берилади.

Назоратчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатни янги шахсий ҳисобвараққа ўтказиш учун тузилган нақд пулсиз чиқим ордерининг орқасига омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини ёзиб, уларни имзоси билан тасдиқлайди ва омонатчига нақд пулсиз чиқим ордерига имзо қўйдиради ҳамда янги омонат дафтарчасини расмийлаштиради.

Ўн олти ёшга тўлмаган омонатчининг шахсини тасдиқлаш учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага қўшимча равишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ушбу вояга етмаган шахснинг расми елимлаб ёпиштирилган маълумотнома талаб этилади. Ушбу маълумотномадаги расм ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати муҳри билан тасдиқланади.

Омонат меросхўрга омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно), меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилинганда берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида омонатдаги пул суммаси номига ўтган шахс томонидан вафот этган омонатчининг омонат дафтарчаси тақдим қилинмаганда, омонат бўлинмаси сўнгги назоратчи маълумотлари бўйича омонатчининг омонат маблағлари қолдиқлари текширилгандан сўнг, омонат берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида меросхўрларга омонатнинг тегишли қисми берилганда, омонатчининг шахсий ҳисобварак варакчасида омонатнинг тегишли қисмини олган шахс маълумотлари ёзиб қўйилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида омонат берилаётганда назоратчи меросхўрнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини гувоҳнома билан солиштиради ҳамда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини олиб қолади.

Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ вафот этган омонатчининг қонун бўйича ҳам васиятнома бўйича ҳам, меросхўрлари бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос омонати эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос омонати мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтгандан сўнг суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади.

Эгасиз омонат у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган омонатдан воз кечган тақдирда, давлат фойдасига ўтади.

2.3. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича омонатларни нақд пулсиз шаклда кирим ва чиқим қилиш операциялари ҳисоби

Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда маблағларни кирим қилиш тўғрисида тузилган шартномалар омонат бўлинмасидаги «Нақд пулсиз шаклда қабул қилинадиган омонатлар бўйича тузиладиган шартномаларни рўйхатга олиш дафтари»да қайд этилади.

В.И.Белоцерковский, Е.А.Федороваларнинг фикрларига кўра: Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда омонат кирим қилинишига истак билдирган жисмоний шахслар омонат кассасига шахсан келиб белгиланган тартибда ариза беришлари шарт.¹⁴

Омонат кассаси томонидан жисмоний шахсларнинг аризаларига асосан белгиланган тартибда 20606-“Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари” да уларнинг ҳар бирига алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади.

Юридик шахс ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини банк филиали билан тузилган шартнома асосида уларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиши мумкин.

Юридик шахс ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини уларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш учун банк филиалига ходимларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ҳамда яшаш манзиллари қайд этилган омонатчилар рўйхатини тақдим қилади.

Юридик шахс томонидан ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар суммаси тўлов топшириқномаси асосида ўтказилади ва ушбу тўлов топшириқномаси нусхаси омонатчилар рўйхати билан бирга омонат бўлинмасига тақдим қилинади. Тўлов топшириқномасининг «тўловлар мақсади» сатрида банк филиали билан

¹⁴ Белоцерковский В.И., Федорова Е.А. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. –М.: Издательство: экономика. 2005. -185 с

юридик шахс ўртасида тузилган шартнома рақами ва санаси кўрсатилиши шарт.

Омонатчилар рўйхатининг ҳар бир varaғида жами сумма ва охириг варақда жами ўтказилган сумма кўрсатилиши ҳамда юридик шахсининг банктаги ҳисобварағини тасарруф этиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан имзоланиши ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларига қўйиладиган муҳр билан тасдиқланиши лозим.

Омонат бўлинмаси томонидан нақд пулсиз шаклда келиб тушган суммаларни омонатчиларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларига кириш қилиниши учун умумий суммага мемориал ордер тузилиб, банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Мемориал ордернинг орқа томонида юридик шахсининг номи ва ўтказилган пул суммаси, омонатчилар рўйхатида эса, мемориал ордернинг санаси ва рақами кўрсатилиши ва мемориал ордерни тузувчи шахс томонидан имзоланиши шарт.

Омонатчиларнинг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда келиб тушган суммаларни кириш қилиш омонатчилар рўйхати ва тўлов топшириқномаси олинган кундан кейинги иш кунидан кечикмасдан амалга оширилади.

Омонатчилар рўйхати билан мемориал ордер омонат кассасига келиб тушганда, назоратчи қуйидагиларни амалга оширади:

- мемориал ордерда банк филиали раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси мавжудлигини текширади;

- шахсий ҳисобварақ маълумотлари билан омонатчилар рўйхатида кўрсатилган маълумотларнинг мос қилишини текширади;

- омонатчиларнинг шахсий ҳисобварағига пул суммасини кириш қилиш учун ҳар бир шахсий ҳисобварақ бўйича алоҳида нақд пулсиз кириш ордерини тузади, ордерда омонат тури ва операция вақтини кўрсатади;

- нақд пулсиз кириш ордерлар бўйича умумий суммани мемориал ордер ҳамда омонатчилар рўйхатидаги сумма билан солиштиради;

-омонат бўйича шахсий ҳисобварақ варақчасининг биринчи (бўш) устунида мемориал ордер рақамини кўрсатиб, шахсий ҳисобварақ варақчасига келиб тушган пул суммасини ёзади;

-омонатчилар рўйхатида «Омонатчиларнинг шахсий ҳисобварақларига мазкур рўйхат бўйича пул суммалари кирим қилинди» деган ёзувни киритади, санани қўяди ва имзолайди.

Шахсий ҳисобварақ варақчасидаги маълумотлар билан омонатчилар рўйхатидаги маълумотлари номувофиқ бўлганда, номувофиқлик сабаблари аниқлангунга қадар, операция бажарилиши тўхтатилади.

Омонатчининг шахсий ҳисобварағига нақд пулсиз шаклда кирим қилинган омонат, омонатчининг ёзма розилигисиз уни ўтказган юридик шахсга қайтарилиши мумкин эмас.

Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда келиб тушган омонатлар бўйича омонат дафтарчаси, тасдиқнома ва сўнгги назоратга хабарнома омонатчилар омонат кассасига келганда расмийлаштирилади.

Омонатни банкнинг шу филиалида омонатчиларга очилган бошқа шахсий ҳисобварақларга ўтказиш омонат дафтарчаси ва омонатчи томонидан тўлдирилган ва имзоланган нақд пулсиз чиқим ордери ва сўнгги назоратга хабарнома асосида амалга оширилади.

Нazorатчи нақд пулсиз чиқим ордердаги маълумотларни шахсий ҳисобварақ варақчаси ва омонат дафтарчасидаги маълумотлар билан солиштириб, омонат дафтарчасига ва шахсий ҳисобварақ варақчасининг биринчи (бўш) устунига «_____га (фамилияси, исми ва отасининг исми) №____ ҳисобварағига ўтказилди» деган ёзувни киритиб, чиқим операциясини ёзади.

Омонатчиларнинг шахсий ҳисобварақларидаги омонатларини бошқа ҳисобварақларга (банкнинг шу филиалида омонатчиларга очилган шахсий ҳисобварақлар бундан мустасно) ўтказиш, уларнинг ёзма топшириғи асосида тўлдирилган мемориал ордерлар орқали амалга оширилади.

Пенсия ва ижтимоий нафақа тўловларини жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари асосида омонатчининг шахсий ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва банк филиали муҳри туширилган мемориал ордер асосида амалга оширилади. Мемориал ордерга ижро ҳужжатлари илова қилиниши ва унинг «тўлов мақсади» сатрида ижро ҳужжатларининг сана ва рақамлари кўрсатилиши шарт.

Мемориал ордернинг асл нусхаси кунлик бухгалтерия ҳужжатларига, унинг нусхаси ва ижро ҳужжатлари нусхалари омонатлар бўйича кунлик ҳисоботга тикилади ва бу маълумотлар омонатчининг шахсий ҳисобварағи варақчасининг «Белгилар учун» сатрида қайд қилинади.

Юридик шахс фойдасига васият қилинган омонат маблағ юридик шахснинг ҳисобварағига нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан ўтказиб берилади. Бунда, юридик шахснинг вакили омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно), меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини ва юридик шахс раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган васият қилинган омонатни ўтказиш тўғрисида ва тегишли маълумотлар кўрсатилган (юридик шахснинг ҳисобварағи, банк филиали номи ва коди, омонат очилган банк филиали) хатни тақдим қилиши шарт.

Банк томонидан омонатлар бўйича фоизлар ҳисоблаш «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида низом» асосида амалга оширилади.

Омонатларга тўланадиган фоиз ставкалари банklar томонидан қонун ҳужжатлари талаблари доирасида белгиланади.

Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Л.В.Усатова, М.С. Серошинларнинг таъкидлашларича: Банк фоизлар миқдорини камайтирган тақдирда, фоизларнинг янги миқдори фоизлар камайтирилганлиги ҳақида омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланади. Агар банк омонати шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланади.¹⁵

Банк, омонат фоизлари миқдорини камайтирилганлиги ҳақида шахсан ҳар бир омонатчини расмий равишда хабардор қилиши лозим.

Муддатли омонатлар бўйича банк омонати шартномасида белгиланган фоизлар миқдорини, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас. Ушбу омонатлар бўйича маблағлар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат бўйича фоизлар тўланмайди.

Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади. Омонатчининг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобварақдаги маблағлардан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ёзилмайди.

¹⁵ Усатова Л.В., Серошин М.С. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: 2007, стр. 399

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк омонати суммасига фоизлар ҳар бир ой ўтганидан кейин омонатчининг талаби билан омонат суммасидан алоҳида тўланади, бу муддатда талаб қилиб олинмаган фоизлар эса фоизлар ёзиладиган омонат суммасига қўшилиб боради.

Омонатга топширилган маблағ қўйилган куннинг ўзида тўлиқ ёки қисман қайтадан берилса, фоизларни ҳисоблашда омонат берилган кун ҳисобга олинмайди.

Қўшимча маблағлар қабул қилинганда, фоизлар ҳисоблаш учун операция амалга оширилган кундан кейинги кундан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади.

Банклар омонатчилар билан келишилган ҳолда омонат бўйича фоизларни олдиндан тўлаб бериши мумкин. Агар омонатчи омонат суммасини муддатдан олдин олиш нияти бўлса ва омонатнинг ҳақиқатда сақланган муддатига ҳисобланган фоизлар суммаси бўнак тариқасида олдиндан бериб юборилган суммадан кам бўлса, ўртадаги фарқ омонат суммасидан чегириб қолинади.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат омонатчининг талаби билан, шунингдек, муддатли ва жамғарма омонатлар муддати тугаши билан қайтарилганда, шу пайтгача ёзилган ҳамма фоизлар тўланади.

Омонатчи жисмоний шахслар томонидан бир неча йиллар учун ҳисобланган фоизлар ёзилмаган омонат дафтарчаси тақдим қилинганда, бу фоизлар суммаси омонат дафтарчасида ҳар бир йил учун алоҳида ёзилади, омонат қолдиғи эса, охирги йил учун ҳисобланган фоизлар ёзувидан кейин фоизлар суммасини қўшган ҳолда сўз билан ёзилади.

III-Боб. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозитлар бўйича ҳисобот тузиш тартиби ва назорати

3.1. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиали омонат кассаларида амалиёт кунини якунлаш ва кунлик ҳисобот тузиш тартиби

Омонат кассаларида амалиёт куни тугагандан кейин нақд пуллар, қимматликлар, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ва бошқа ҳужжатлар саналади, операциялар бўйича операцион кундалик ва операцион кундаликка илова тузилади, ҳисоб маълумотларини ҳақиқатдаги мавжуд нақд пуллар, қимматликлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалар миқдори (суммаси) билан мувофиқлиги аниқланади.

Операцион кундалик кун давомида ўсиб бориш тартибида бир нусхада тузилади.

Курсов В.Н. нинг фикрига кўра: операцион кундаликда омонатлар бўйича операцияларни киритишда, операциялар бажарилган шахсий ҳисобварақнинг рақами, омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек мос равишда "Нақд пул-Кириш" ёки "Нақд пул-Чиқим" устунига омонатчининг шахсий ҳисобварағи бўйича нақд пулда қабул қилинган ёки берилган омонат суммаси кўрсатилади. Омонат бўйича нақд пулсиз ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича операцияларда омонат суммалари операцион кундаликнинг "Мемориал айланмалар-Кириш қилинган" ва "Мемориал айланмалар-Чиқим қилинган" устунларида кўрсатилади.¹⁶

Ҳаракатсиз омонатлар бўйича ҳар бир мемориал ордернинг суммаси операцион кундаликнинг "Мемориал айланмалар" устунига ва операцион кундаликка илованинг "Чиқиб кетган" устунига акс эттирилади.

Йўқолган омонат дафтарчалари бўйича омонатни янги шахсий ҳисобвараққа ўтказиш операцияси операцион кундаликда алоҳида сатрларда акс эттирилиб, омонат суммаси операцион кундаликнинг "Мемориал айланмалар" устунига кўрсатилади.

¹⁶ Курсов В.Н. Бухгалтерский учет в коммерческом банке. -Москва.: 2008, стр. 209

Операцион кундаликнинг тўлган варағидаги барча устунларининг охириги сатридаги якуний сумма янги варақнинг мос устунларининг биринчи сатрига ўтказилади.

Операцион кундаликка илова омонат кассаси кунлик ҳужжатлар бўйича ҳисоботларнинг таркибий бўлаги ҳисобланади.

Операцион кундаликка илованинг "Омонатлар" бўлимида ҳар бир омонат тури бўйича олдинги амалиёт кунининг кун охирига қолдиғи янги амалиёт кунининг кун бошига қолдиғи сифатида ўтказилади (суммада ва миқдорда) ва кун давомида ҳар бир омонат тури бўйича амалга оширилган операциялар бирламчи ҳужжатлар боғламлари устхатига ёзилган айланмалар суммаси (келиб тушди ва чиқиб кетган) ҳамда шу асосда ҳисобланган амалиёт куни охирига қолдиқ (суммада ва миқдорда) ёзилади.

Операцион кундаликка илованинг "Қатъий ҳисобда турувчи бланкалар" бўлимининг "Олинган" устунида ордерга мувофиқ олинган, "Ишлатилган" устунида эса Ишлатилган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобдан чиқариш ордери бўйича (бузилган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар сони киритилган ҳолда) ҳар бир турдаги қатъий ҳисобда турувчи бланкалар сони ёзилади. Бошқа омонат кассаларига жўнатилган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар мемориал ордерлар асосида "Жўнатилган" устунида ёзилади, "Кун охирига қолдиқ" устунида кун охирига қолган ҳар бир турдаги қатъий ҳисобда турувчи бланкалар сони ёзилади ва кун охирига қолган "Жами" сатри билан солиштирилади ("Кун бошига қолдиқ" + "Олинган"- "Ишлатилган"- "Жўнатилган"). "Бланка рақамлари" устунида қолган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг рақамлари кўрсатилади.

Операцион кундаликка илованинг "Операциялар ҳисоби" бўлимининг "Кун давомида" устуни кун давомида бажарилган операциялар ва ордерлар сони бўйича тўлдирилади.

Операцион кундаликка илованинг "Нақд пулсиз операциялар тўғрисида маълумотнома" бўлими нақд пулсиз амалга оширилган операциялар суммаси бўйича тўлдирилади.

Назоратчи операцион кундаликка иловада кўрсатилган қимматликлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг умумий қолдиғини операцион кундаликдаги маълумотлар билан солиштиради. Операцион кундалик ва операцион кундаликка илова рақамланади, назоратчи ва кассир томонидан фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда имзоланади ва омонат кассаси муҳри қўйилади.

Бир неча назоратчи фаолият юритаётган омонат кассаларда ҳар бир назоратчи операцион кундаликни фақат омонат операциялари бўйича тўлдириши лозим. Кун охирида, ҳар бир назоратчи томонидан омонат операциялари бўйича тўлдирилган операцион кундаликларнинг якуний суммалари бошқа операциялар бўйича операцион кундалик ва операцион кундаликка иловада омонат турлари бўйича алоҳида жами суммалари чиқарилади.

Кассир кунлик операциялар бўйича якун ясашда қуйидагиларни амалга оширади:

- назоратчидан унга кун бошида берилган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг ишлатилмаган қолдиқларини санаб олади, уларни "Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари"га ёзади ва ишлатилмаган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар қайтариб олганлигини имзоси билан тасдиқлайди;

- назоратчидан ишлатилган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобдан чиқариш ордерини олади, уни текширади ва имзолайди;

- нақд пуллар, қимматликлар, қатъий ҳисобда турувчи бланкаларини ҳақиқатдаги қолдиқларини касса ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштиради ва қолдиқлар бўйича маълумотнома тузиб, назоратчига беради;

- кун давомида кирим ва чиқим қилинган пул суммасини амалиёт кун бошида олинган нақд пул бўнагини ҳисобга олган ҳолда қолдиқ сумма билан солиштиради, суммалар мос келмаса, унинг сабабларини аниқлайди ва зарур бўлган ҳолларда, қайта санайди;

-нақд пулларни белгиланган тартибда шакллантиради ва ўрайди, ордерлар ва бошқа ҳужжатларни уларнинг алоҳида турлари бўйича санаб чиқиб, омонат кассаси рақами, ҳужжатлар сони ва суммасини кўрсатган ҳолда ўрайди ҳамда назоратчига беради.

Назоратчи кунлик операциялар бўйича якун ясашда қуйидагиларни амалга оширади:

-ишлатилмаган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни кассирга топширади ва "Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари"да имзо билан тасдиқлайди;

-ишлатилган ва бузилган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар бўйича ишлатилган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобдан чиқариш ордерини тузади;

-кассирдан кун охирига нақд пуллар, қимматликлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисоб-китоби натижаси тўғрисида қолдиқлар бўйича маълумотномани олади;

-операцион кундалик ва операцион кундаликка илованинг устунларидаги ёзувларни ҳисоб-китоб қилиб, нақд пуллар қолдиғини ва қимматликларнинг жами суммасини ҳисоблаб чиқади ва уни кассир томонидан ҳисобланган нақд пуллар қолдиғи бўйича тузилган маълумотнома билан солиштиради;

-кассирдан барча ҳужжатларни қабул қилиб, омонатлар ва бошқа операциялар бўйича умумий бандеролларда кассир томонидан ёзилган суммаларни Операцион кундалик устунларидаги якуний ёзувлари билан солиштиради;

-операцион кундаликка илованинг барча устунлари бўйича жамланма натижалар чиқарилгандан кейин навбатдаги йиғма сатрларда кунлик операциялар айланмаси бўйича баланс суммасини ҳисоблаб чиқаради ва кассир билан биргаликда, фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда, имзо қўяди;

-кейинги иш куни учун Операцион кундаликка иловани тайёрлайди ва уни барча бўлимлари бўйича қолдиқларини ёзади;

-кассир билан биргаликда картотекалар сақланаётган темир шкафни кулфлаб, сургич ёки пластилин билан муҳрлайди (тушлик вақтида картотекалар сақланаётган темир шкаф назорат кулфлари билан кулфланади);

-инкассатор халталарига пулларни жойлаштиришда иштирок этади ва илова қайдномасини тузиб инкассаторлар орқали банк филиалига юборади.

Бир неча назоратчилар фаолият кўрсатадиган омонат кассаларда омонат кассаси мудир кунлик операциялар якунида, мазкур йўриқноманинг 204-бандида кўрсатилган вазифаларга қўшимча равишда, қуйидагиларни амалга оширади:

-назоратчилар томонидан тузилган ва кассирлар билан биргаликда имзоланган кунлик операцион кундаликларни олади;

-операцион кундаликлардаги жами суммаларни йиғма операцион кундаликда жамлаб ёзади ва якун чиқаради;

-катта кассирдан барча ҳужжатларни олиб, ҳужжатларнинг ҳар бир тури бўйича бандеролларда ёзилган жами суммаларни ҳисоблаб чиқади, ҳисоблаб чиқарилган суммани ва йиғма ордерлардаги жами суммаларини ҳисобга олган ҳолда, йиғма операцион кундаликнинг тегишли устунларидаги суммалар билан солиштиради ва операцион кундаликни катта кассир билан биргаликда, фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда, имзо қўяди;

-кун охирида катта кассирдаги мавжуд нақд пуллар, қимматликлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни суммаси ва сонини йиғма операцион кундаликда ва операцион кундаликка илова маълумотлари билан солиштиради.

Кунлик операцияларни якунлашда йиғма операцион кундаликнинг айрим устунларидаги якуний суммалар ҳужжатларда кўрсатилган суммага

мос келмаса, омонат кассаси мудир (катта назоратчи, назоратчи) унинг сабабларини аниқлаши ва бартараф этиши лозим.

М.К.Эрматовнинг фикрига кўра: Омонат кассасида нақд пул ёки қимматликлар бўйича аниқланган ортиқча ёки камомад юзасидан "Тижорат банкларида касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома"да белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилади. Бунда, ортиқча чиққан нақд пул ёки қимматликлар банк фойдасига кирим қилинади, камомад эса белгиланган тартибда жавобгар шахсдан ундириб олинади.¹⁷

Сўнгги назорат қилиш учун берилган кунлик ҳужжатлар бандероль сифатида елимланган Операцион кундаликка қўшилади ҳамда сана ва омонат кассаси рақами ёзилади.

Кунлик ҳисобот ва унга илова қилинган ҳужжатлар омонат кассалар томонидан кейинги кундан кечиктирмасдан инкассация хизмати орқали ёки назоратчи томонидан банк филиалига етказилиши лозим.

Омонат бўлинмаси омонат кассаларининг кунлик ҳисоботлари ва уларга илова қилинган ҳужжатларни ўз вақтида топширилишини алоҳида дафтарга қайд этилиши юзасидан кунлик назорат ўрнатиши лозим.

Омонат кассаси иш вақти тугагандан сўнг, ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги марказий кўриқлаш пултига топширилиши ва "Омонат кассасини кўриқлаш хизматига топшириш ва қабул қилиш дафтари"га назоратчи ёки кассир томонидан қайд этилиши лозим.

3.2. ТИФ миллий банкнинг Олмазор филиалида муддатли депозит операцияларнинг сўнгги назорати

Сўнгги назоратчи омонат кассаси кунлик ҳисоботи ва унга илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиб олгандан кейин қуйидагиларни амалга оширади:

¹⁷ М.К.Эрматов. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари.-Т.: "Iqtisod-Moliya" нашриёти, 2005, 144 б.

-операцион кундалик ва операцион кундаликка иловага кўра ҳисобот куни учун кун бошидаги нақд пул, қимматликлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалар қолдиғини текширилган операцион кундалик ва операцион кундаликка иловада кўрсатилган олдинги кун охиридаги қолдиқлар билан солиштиради;

-операцион кундалик ва операцион кундаликка иловадаги сумма ва миқдорлар айланмаларига кўра ҳисобот куни охиридаги нақд пул, қимматликлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалар қолдиғини текширади;

-операцион кундалик ва операцион кундаликка илованинг барча устунлари бўйича суммаларни ордерлардаги йиғма якунлар билан солиштиради;

-ҳужжатли бандеролларда кўрсатилган жами пул суммасини операцион кундаликнинг тегишли якуний суммалари билан солиштиради;

-ҳар бир бандеролдаги ордерлар ҳамда касса ҳужжатлари суммаси ва сонини қайта ҳисоблайди, олинган натижаларни бандеролдаги ёзувлар билан солиштиради;

-операцион кундалик, операцион кундаликка илова ва бандеролдаги имзоларни омонат бўлинмасидаги имзо ва муҳр намуналари билан солиштиради;

-ҳар бир операция бўйича ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган бланкаларда расмийлаштирилганлиги, ордерлар ва ҳужжатларда барча реквизитлар тўғри ёзилганлиги, ордер ва ҳужжатларда белгиланган имзолар борлиги, Чиқим ордерлари ва ҳужжатларда эса бундан ташқари пул ёки қимматликларни олганлигини тасдиқлаб омонатчилар имзолари қўйилганлиги, муҳр ва имзолар сўнгги назоратчига берилган намуналарга мослиги, суммаларни кўрсатишда тузатишлар йўқлиги, суммаларнинг рақамлар ва ёзувларда кўрсатилишида ўзаро мослигини текширади;

-ҳужжатлар бўйича қатъий ҳисобда турувчи бланкалар номи, рақами ва сериясига кўра тўғри ҳисобдан чиқарилганлигини текширади.

Омонат кассаларининг кунлик ҳисоботи сўнгги назорати тугагандан кейин сўнгги назоратчи операцион кундалик ва операцион кундаликка иловага ҳамда касса ҳисоботининг титул варақасига текширув санасини қўяди ва имзоси билан тасдиқлайди.

Кунлик ҳисоботдан ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилмайди ва нақд пулларнинг қолдиқларига ўзгартиришлар киритилмайди.

Операцион кундалик ва операцион кундаликка иловадаги маълумотлар ордерлардаги маълумотларга мос келмаганида номувофиқлик сабаблари аниқланади.

Ордерлардаги маълумотлар билан операцион кундалик ва операцион кундаликка иловадаги маълумотлар ўртасида нотўғри арифметик ҳисоб-китоб ёки назоратчининг техник хатоликка йўл қўйганлиги сабабли номувофиқлик юзага келганда, йўл қўйилган нотўғри ёзув уни ўқиш имконини берадиган даражада ўчирилади ва нотўғри ёзув устидан тўғри маълумотлар ёзилади ҳамда "Тузатилди" деган ёзув ва сана киритилади ва имзоланади.

Хатоларни тузатиш учун ордерлар омонат бўлинмаси бошлиғи ва кунлик ҳисоботни текширган сўнгги назоратчи томонидан имзоланади ва Операцион кундаликка хатолик сабаблари ва киритилган тузатишлар ҳақида маълумотлар ёзилади.

Ордерлардаги маълумотлар билан операцион кундалик ва операцион кундаликка иловадаги маълумотлар ўртасида аниқланган номувофиқлик бўйича омонатларни ноқонуний ўзлаштириш ёки бошқа жиноятлар содир этиш аломатларига шубҳа туғилган ҳолларида сўнгги назоратчи дарҳол бу ҳақда банк филиали раҳбарини хабардор қилади.

Бунда, банк филиали раҳбари томонидан комиссия тузилади ва мазкур омонат кассаси операциялари қўшимча равишда тафтишдан ўтказилади ҳамда тафтиш натижасида жиноят содир этиш аломатлари тасдиқланса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига белгиланган тартибда маълумот берилади.

Иш куни тугаганидан кейин картотекалар сақланаётган металл қутилар ва хона қулфланади ва металл муҳрлар билан муҳрланади. Муҳрлаш учун сурғуч ёки пластилин қўлланилади ва ўйилмали тахтачага ёпиштирилади. Хона ва картотека калитлари ҳамда муҳр омонат бўлинмаси бошлиғида сақланади. Хона ва картотекалар очилишидан олдин муҳрлар бузилмаганлиги текширилиши зарур.

Сўнгги назоратчида кассир ва назоратчиларнинг имзоси ҳамда омонат кассаси муҳри намуналари бўлиши керак.

Имзолар намуналари ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра янгиланиб турилиши шарт.

Омонат дафтарчалари Бош банк билан қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар ўртасида тузилган шартнома асосида тайёрланади ва Бош банк томонидан банк филиалларига етказилади.

Ҳар иш куни бошида омонат бўлинмаси масъул ходими томонидан омонат дафтарчаларини олиш учун банк (филиал) раҳбари номига талабнома расмийлаштирилади. Талабномада омонат дафтарчаларининг сони кўрсатилади ва масъул ходим имзоси билан тасдиқланади.

Марказий омонат кассасига эга банк филиалларида омонат дафтарчаларни банк филиали тасарруфидаги бошқа омонат кассаларига ҳамда ўзининг омонатчиларига бериш учун филиал биносида жойлашган марказий омонат кассаси кассири томонидан омонат дафтарчаларини олиш учун банк (филиал) раҳбари номига талабнома расмийлаштирилади. Талабнома марказий омонат кассаси назоратчиси ҳамда омонат бўлинмаси бошлиғи имзоси билан тасдиқланади.

Омонат дафтарчалари талабнома асосида берилганда бухгалтерия бўлинмаси масъул ижрочи бухгалтери томонидан тегишли бухгалтерия ўтказмаси берилади.

Омонат бўлинмасида ёки банк филиали биносида жойлашган марказий омонат кассасида омонат дафтарчаларнинг крим-чиқим ҳисоби бўйича

китоб юритилади. Ушбу китоб рақамланган, тикилган, варақлар сони ва дафтарни юритиш санаси кўрсатилган ҳолда банк филиали раҳбари имзоси ва филиал муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Омонат дафтарчалари кассирга китобда олинганлиги тўғрисида имзо қўйдирилиб тарқатилади.

Омонат кассаларида кассир ҳар куни иш бошланишидан олдин назоратчига операцияларни расмийлаштириш учун зарур бўлган омонат дафтарчаларини беради.

Бузилган омонат дафтарчаларининг ҳар бирида "бузилган" деган ёзув ва сана киритилади ҳамда назоратчи ва кассир томонидан имзоланади. Бузилган омонат дафтарчалари сони, серияси ва рақамлари ишлатилган қатъий ҳисобда турувчи бланкаларни ҳисобдан чиқариш ордерининг орқа томонида кўрсатилиб, унга илова қилинади.

Омонат бўлинмасининг масъул ходими томонидан кун бошида берилган барча омонат дафтарчаларининг сони ишлатилган, бузилган ва фойдаланилмаган омонат дафтарчалари сонларининг йиғиндиси билан, кун давомида ишлатилган омонат дафтарчалари сонини янги омонатчиларга очилган шахсий ҳисобварақлар сони билан, йўқолган омонат дафтарчалар ўрнига янги берилган омонат дафтарчалар сонини омонатчилар томонидан омонат дафтарчасини йўқолганлиги ҳақидаги аризалар сони билан ҳамда янги алмаштириб берилган омонат дафтарчалари сонини омонатчининг тўлган омонат дафтарчалари сони билан солиштиради.

Таққослаш жараёнида фарқ аниқланганда омонат бўлинмасининг масъул ходими зудлик билан банк филиали раҳбарига хабар беради.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ бўлган назарий манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, тижорат банкларида муддатли депозитлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги аҳолини тадқиқ қилиш, шунингдек амалиёт материалларини қайта ишлаш мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга доир қуйидаги хулосаларни чиқариш ва таклифларни киритиш имкониятини берди:

Банкларда мақсадларни амалга ошириш учун пул маблағларини қўйилмаларга жалб қилиш операциялари депозит операциялари дейилади.

Депозитлар фақатгина омонатчига эмас, шу билан бирга банкка ҳам манфаатлидир. Кўпгина депозитлар орқали банкнинг ссуда капитали шаклланади, кейинчалик эса банк турли хўжалик соҳаларини қулай шартлар асосида кредитлайди. Депозит ва кредит фоизлари орасидаги фарқ бўш пул маблағларини жалб қилиш ва ссуда капиталини жойлаштириш борасидаги банк маржаси (мукофоти) бўлиб ҳисобланади.

Банкнинг «Олтин қоида»га кўра, банк молиявий талабларининг ҳажми ва муддати банк мажбуриятлари миқдори ва муддатига мос келиши керак. Бу қоидага риоя қилиб, банклар жорий счетлар бўйича қолдиқларни кредит ресурси сифатида ишлата олмайдилар, чунки мижозлар уларни хоҳлаган вақтда талаб қилиб олишлари мумкин. Ваҳоланки, мижозлар, одатда, ўз маблағларининг ҳаммасини бирданига олишмайди, шунинг учун, банкнинг нақд пул резерви омонатларга нисбатан шаклланади.

Бундан ташқари, аксарият банк операциялари нақд пулсиз кўринишда амалга оширилади. Касса заҳиралари кўринишида бўлмаган нақд пуллар банк ликвидлигини оширади ва у бошқа мижозларга ёки банкка кредит сифатида йўналтирилиши мумкин. Касса заҳираларидан ташқари тижорат банклари томонидан депозитлардан кредит ресурси сифатида фойдаланишда бошқа чекловлар бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатиладиган мажбурий заҳиралар шаклида ифодаланади.

Депозит ҳисобварақалари турлича бўлиши мумкин ва уларнинг таснифланиши асосида қўйилмалар манбаи, уларнинг мақсадли йўналтирилганлиги, даромадлилик даражаси ва бошқа шу каби мезонлар етади, аммо аксарият ҳолларда мезон сифатида пул қўювчи тоифаси ва қўйилмани олиш шакллари инобатга олинади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонуни.-Т.: 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 1995й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сонли қарори. –Т.: 2001й

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

9. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -36 б.
10. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

11. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

13. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

14. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси. ЎЗР АВ 13.08.2004 йилда 773-17-сон билан рўйхатга олинган (янги таҳрири).

15. “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” низоми (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 2000 йил 25 ноябрдаги 420-1 сон, 2002 йил 20 апрелдаги 420-2 сон ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган 2000 йил 21 декабрдаги 949-1 сон, 2002 йил 14 майдаги 949-2 сонли ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга)

16. Ўзбекистон Республикасида банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.: 2003. - 125 бет

IV. Асосий адабиётлар

17. Ермаков. С.Л. Основы организаций деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с. 2 экз.

18. Жарковская. Е.П. Банковское дело: Учеб. - М: «ОМЕГА -Л», 2008 – 476 с.

19. Банковское дело: Учеб. / Под ред. Г. Белоглазовой, Л. Кроливецкой - СПб: Питер, 2008. - 400с.
20. Шиленко С.И. и др. Основы аудита: учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 152 с.
21. Климович В.П. Основы банковского аудита: учеб. – М.: ФОРУМ, 2010. – 192 с.
22. Курсов В.Н. Бухгалтерский учет в коммерческом банке. -Москва.: 2008, стр. 209
23. Усатова Л.В., Серошин М.С. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: 2007, стр. 399
24. Шпаков Л. В., Барулина Е. В. Бухгалтерский учет как пользоваться МФСО. «Альфа-Пресс». –М.: 2006. -37 с
25. Маренков Н.Л. Международные стандарты бухгалтерского учета, финансовой отчетности и аудита в Российских фирмах. - М.: Едиториал УРСС, 2005. - 143 с.
26. Белоцерковский В.И., Федорова Е.А. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. –М.: Издательство: экономика. 2005. -185 с

V. Қўшимча адабиётлар

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тузувчилар: Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.
28. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги

маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.— Тошкент: “O’qituvchi”. НМИУ,- 2012. – 272 бет.

29. Краливецкая Л.Н. Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков: учеб. пос. – М.: КНОРУС, 2008. – 280 с.

30. Банковское дело: Экспресс – курс: Учеб. пособ. / Под ред О.И. Лаврушина М.: Кнорус , 2008 -352с.

31. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новые типовые бухгалтерские проводки операций банка: Учеб. пособ. — 10-е изд., испр. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. — 277 с.

32. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новое типовые бухгалтерские проводки операций банка: учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 216 с. + CD-R.

33. Жминько С.И. и др. Внутренний аудит / С.И. Жминко, О.И. Швырева, М.Ф. Сафонова.- Ростов н/Д: Феникс. 2008.- 316 с.

34. Усатова Л. В., Сероштан М. С, Арская Е. В. Бухгалтерский учет в коммерческих банках: Учеб. пособ. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: «Дашков и К°», 2007. — 404 с.

35. Абдувахидов Ф. Тижорат банклариди бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Ўқув қўлланма. 2006, 160 бет

36. Abduvaxidov F.T., Umarov Z.A., Djurayev K.N. Banklarda buxgalteriya hisobi.O`quv qo`llanma.-T.:2010, 224 bet.

37. Черкасов В.К. Финансовый анализ в коммерческом банке. Учебное пособие для вузов. - М.: Изд. «Консалтбанкир», 2006. - 320 с.

38. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. Учебный пособие. –Т.: ТФИ, 2004. -36 стр

39. Парфёнов К.Г. Банковский учет (бухгалтерский учет и операционная техника в коммерческих банках кредитных организациях): изд. 4-е, перераб. и допол. -М.: ООО "Парфенов.ру", 2004. - 178 с

40. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учёт в коммерческом банке: новые типовые бухгалтерские проводки операций банка. Учеб. пос. - М.: ИНФРА-М, 2004, 213 стр

41. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: Ф и С, 2004. - 153 с

42. Крис Дж. Барлтроп, Диана МакНотон. В 2-х томах. Организация работы в банках. –М.: “Финансы и статистика”. 2003 г 186 стр

43. Козлова Е.П., Николаева Е.Н. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика. 2003. -172 с

44. Мерцалова А.И. Учет операционная деятельность в кредитных организациях: кассовые, расчетные, депозитные и кредитные операции: учебное пособ.- М.:КНОРУС, 2009.- 356 с.

45. Наврўзова К. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма 2004 йил Т.

46. Наврўзова К. Банк ҳисоби. Т.: - 2005 й.

47. Наврўзова К. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.: - 2005 й.

48. Бекмурадов А. ва бошқалар. Молия ва банк тизимидаги ислохатлар самараси. –Т.: ТДИУ. 2005. 62 бет

49. М.К.Эрматов. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари.-Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2005, 144 б.

50. Умаров З. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. –Т.: “Бозор, пул, кредит”. 2005.

51. Н.Ф.Каримов. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва уни услубиётини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.-225 бет

52. Омонов А.А. Банк капиталини самарали бошқариш масалалари. Ном. дисс. -Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.-145 бет

VI.Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

53. Девятнадцатое Плехановское чтение. 2 февраля 2010 года. Москва.

54. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланишининг муаммолари, 10 ноябрь 2005 йил.ТДИУ.

55. “Ўзбекистон Республикаси банк молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари” мавзуидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари УзР БМА “Молия” 2005.

56. Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг услубияти ва усуллари тақомиллаштириш. Республика илмий- амалий анжумани материаллари. -Т.: 2004, ТДИУ, 115-117 бетлар.

57. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2009-2011 йиллар

58. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2009-2011 йиллар

59. Банк ахборотномаси. Газетаси. 2009-2011 йиллар

VII. Интернет сайтлари

60. www.bankclub.ru/rankings-bk.htm По активам

61. www.bankclub.ru/rankings-bkp.htm По капиталу

62. www.bankclub.ru/rankings-bpp.htm По прибыли

63. www.bankclub.ru/rankings-bpa.htm По текущему доходу

64. «Norma» 2011.

65. “Pravo” 2011.

Иловалар

Ўзбекистон Президенти томонидан инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгилаб берилган қатор фармон, қарор ва фармойишлари

Ҳужжат номи	Санаси ва рақами	Асосий мақсади
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони	2008 йил 18 ноябрь 4053- сон	- иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш; - иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш; - иқтисодиётни таркибий ўзгартириш; - ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони	2008 йил 28 ноябрь 4057- сон	- фуқароларнинг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш; - мамлакат банк тизимида аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш; - аҳоли омонатларини тижорат банкларида жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини	2008 йил 28 ноябрь 4058- сон	- жаҳон молия-иқтисодий инқирозиининг салбий оқибатларини бартараф этиш; - иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш; - аҳоли бандлигига қўмаклашиш;

ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони		- экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори	2009 йил 20 январь 1041-сон	- замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг илдам ривожланишини таъминлаш; - шу асосда иқтисодиётнинг барқарор ҳамда жадал тараққий топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш; - республика минтақаларининг табиий ҳамда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш; - янги иш ўринларини шакллантириш; - аҳолининг, айниқса ёшларнинг бандлигини, одамларнинг даромадларини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори	2009 йил 26 январь 1047-сон	- Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш; - ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму-кўст тўлдириш; - асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш; - шу асосда янги иш жойларини шакллантириш; - кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори	2009 йил 28 январь 1050-сон	- рақобатбардош юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш; - ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш; - тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш; - мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

		- бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори	2009 йил 29 январь 1051- сон	- мамлакатимиз шаҳарлари ва аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш; - архитектуравий режалаштирган ҳолда қуришни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича кенг чоратадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобига уй-жой фондининг ҳолатини қатъиян яхшилаш; - уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишларини янада кенгайтиришни рағбатлантириш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши	2008 йил 19 ноябрь 4010- сон	- иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотишнинг самарали механизмини яратиш